

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**6**  

---

**2020**

**Тошкент**

---

# ИКТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

## МУНДАРИЖА

### САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ

Шарипов К.А., Калонов М.Б. Исаджанов А.А.	Ўзбекистон республикасида транспорт хизматларини ривожла- ниш истиқболларни ҳамда транспорт логистикаси.....	6
Махмудов Н.М., Фозилова Ф.К. Nazarov R.R., Niyazmetova Y.B. Ханкелдиева Г.Ш.	Минерал-хомаше комплекси ривожланишининг экологик-иқти- содий жиҳатлари.....	16
Усманова С.С.	Перспективы развития экспорта пищевой промышленности в Узбекистане.....	19
	Development of renewable energy as a contributing factor in the modernization of the energy industry.....	23
	Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самара- ли фойдаланиш масалалари.....	25
	Современное состояние фармацевтической промышленности Республики Узбекистан.....	29

### РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Ализов Б.И. Тилябаева Ш.Т.	Олӣӣ таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги- ни мониторинг қилинда рақамли технологиялар имкониятлари.....	33
	Социологик тадқиқотларни ўтказишда рақамли технологиялар- дан фойдаланиш имкониятлари.....	39

### ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Батирова Н.Ш., Файзиева Ш.Р. Кодиров Ж.Ш. Махкамов У. Хиджимухамедова Ш.И., Бобонарова К.У. Примова С.А.	Пандемия шароитида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ри- вожланишини барқарорлаштириш чора-тадбирлари (Гошкент вилояти саноат мажмуаси мисолида).....	46
	Давлат-хусусий шериклиги асосида ижтимоий-иқтисодий лой- халарни амалга ошириш имкониятлари ва истиқболлари.....	55
	Кластерная политика: зарубежный опыт кластеризации экономи- ки и перспективы Узбекистана.....	60
	Инфляционные таргетирование – веление времени.....	64
	Влияние пандемии коронавируса в транспортно-транзитную экономику Республики Узбекистан: принимаемые меры и новые возможности.....	71

### МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЕСАТ

Ҳалилов Н.Х., Олимова Н.О.	Иқтисодий барқарорлик ва инсон капиталини бошқаришга боглиқларни нифодаловчи кўрсаткичлар.....	75
-------------------------------	---	----

### БАНК ИШИ

Шермуҳамедов Б.У. Турсунов И.Б.	Тюкорат банкларнда депозит сиёсатини шакллантиришнинг мельёрй-хукуқий асослари.....	79
	Рыночная капитализация коммерческого банка и ее влияние на развитие банковской системы.....	84

### МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Аллакулиев А.Б. Рустамова Л.Р. Маллабаев Ж.Б.	Ўрта муддатли бюджетлаштириш принциплари ва уларнинг амалий механизми.....	88
	Ўзбекистонда фонд бозорининг жорий ҳолати ва унинг ривож- ланиш истиқболлари.....	91
	Ўзбекистон фонд бозори ривожланишининг эконометрик таҳдиди.....	98

### ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Далнев Х.Х. Назарматов О.С.	Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илмий ишланма- ларни тикоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизм- ларини такомиллаштириш.....	104
2020 йил б-сон	Тўқимачиллик корхоналари: самарадорлыгини оширишда инно- вацион фаолиятни бошқарни масалалари.....	109
Махмудов С.Б. Мусабеков У.Ж.	Инвестиция фаолиятни молилаштиришда муқобил усуллар- нинг такомиллаштириш йўллари.....	113
	Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвести- цииларини жалб қилиш тенденциялари.....	121

# ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ЛОЙИХАЛарни АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қодиров Жасурбек Шарофитдинович -  
ТДИУ мустақил тадқиқотчысы

**Линотация:** Мазкур мақалада давлат-хусусий шериклік асосида инвестицияның салоғынан ошириш, хусусан, доклат на хусусий секторлардың үртасыда үзаро инвестицияның лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш, инвестицияның моблагларының шактлантаришда рискалар да үлгарни пасайтириш омиллари, иқтисодиёттің тармоқтарының дамыттылукчылық шерикліктерине инвестицияның воскиталари да үлгарни инновацияның тарағыннан ажыратылған.

**Тәжірибелер:** давлат-хусусий шериклік, инвестицион салоғынан, инфраструктулмавий лойиҳалар, рискалар, инвестицияның воскиталар.

**Аннотация:** В данной статье приводятся материалы, связанные с повышением инвестиционного потенциала на основе государственно-частного партнерства, в частности, реализация и финансирование совместных инвестиционных проектов между государственным и частным секторами, риски и формирование инвестиционных ресурсов и факторы по их снижению, инвестиционные инструменты развития государственно-частного партнерства в отраслях экономики и их значение в инновационном развитии.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, инвестиционный потенциал, инфраструктурные проекты, риски, инвестиционные инструменты.

**Annotation:** This article provides material related with increasing investment potential through public-private partnerships, in particular, the implementation and financing of joint investment projects between the state and private sectors, risks in the formation of investment resources and factors to reduce them, investment instruments for the development of public-private partnerships in economic sectors and their importance in innovative development.

**Key words:** public-private partnership, investment potential, infrastructure projects, risks, investment instruments.

Кириш. Давлат-хусусий шериклиги (кеинги үрнеларда – ДХШ деб аталади) түшнүнчи амалга оширилиши түрли ривожланыш даврларидан үтиб, мамлекетларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига мос равишда түрли соҳаларда түрли дастакалар ёрдамида амалга оширилган.

Үтгән асрнан 50 - да 60 - йилларда Европа ҳамда АҚШда инқироздан кейинги даврда ушбу йұналишда амалга оширилган лойиҳаларда давлат аралашувининг юқори даражасы бүлган давр ҳисобланади. Ушбу даврда ДХШ характерлы бүлган соҳаларда лойиҳалар сони кам бүлган, амалга оширилганларининг акссарият қисми давлат томонидан молиялаштирилган.

70 - да 80 - йилларда эса, турғунлик ва жиудий бюджет чекловлары бошланғанидан кейин вазият кескин ўзгарған. Давлат аралашуви ва ахолига мунтазам хизмат күрсатып имкониятлары сезиларлы даражада камайди. Бундай ҳамкорлық нима сабабдан глобал миқёсда ижтимоий ажамиятта зертталған тармоқтарда күчта кирайтгани ҳамда Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасынинг 1980 йилдан буён амалга оширилган таркибий ўзгариш дастурларининг аниқланған камчиликларидан келиб чиқади.

ДХШ иқтисодиёттің ривожлантиришнинг неолиберал тоғыларини илгари суриши көркемдегі: иқтисодиёттің давлат аралашу-

вина камайтириш, рақобатбардош бозорларни ривожлантиришга күмаклашиш ва бошқалар иқтисодийтің ривожланыш омиллари эканлигига ассоциированади. ДХШ – давлат ва бизнеснинг үзаро манбаатли шартлар ассоциация ижтимоий ажамиятта зертталған вазифаларни ҳал этиш учун үрта ва узок муддатында үзаро хатты-харакатларнинг бир қатор шактлары бўлиб ҳисобланади.

ДХШ муайян инфраструктулмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат на хусусий секторлар үртасыда ресурсларни бирлаштырып да рискаларни тақсимлаштириш самарали механизми ҳисобланади. Иқтисодиёттің тармоқтарига хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурслар синергиясини таъминлаш орқали самарадорлигини ошириш, шунингдек, товар на хизматлар ишлаб чиқарып кўламини кенгайтириш ДХШ тизимиининг асосини ва мақсадини ташкил этади. ДХШ лойиҳалари иқтисодиёттің тармоқтарда түрли инвестицияның дастаклар орқали амалга оширилади.

Хозирги кунда ижтимоий ва инфраструктулмавий лойиҳаларни амалга оширишда ДХШ тизими ҳалқаро амалиёттада фоол қўллаштирилмоқда ва ўзининг қатор афзалликликлари билан инвестицион жарәёнларнинг алоҳида йұналиши сифатида тобора кенгайиб боромоқда. ДХШ давлат на хусусий секторнинг ҳамкорликдаги үзаро манбаатли фоалиятини намоён этиши билан бирга бозор муносабат-

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

ларининг бошқа йўналишлари сингари бу соҳа ҳам турли риск ва кутилмаган йўқотишлардан ҳоли эмас.

Умуман олганда, ДХШ инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Мавзуга оид адабиётлар шархи, ДХШ масалаларини ўрганиш устида иш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг аксарияти давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги концепциясини, шу жумладан, унинг амалий компонентини ишлаб чиқиши бўйича турли назарияларни илгари суришмоқда. Замонавий гарб иқтисодчилари эса, МДҲ давлатларига қараганда бу соҳада анча олдинроқ илмий ва амалий тадқиқотлар олиб боришган. Ривожланган давлатлар амалиётида ДХШнинг анча олдинроқ ириб келганлиги боис, бу борада юзага келган муаммоларнинг мавжудлиги ДХШнинг асосий хусусиятлари ва тамоилларини батафсил ўрганишга ва баён этишга имкон яратади.

АҚШлик иқтисодчи Р.Норментнинг фикрига кўра, ДХШ ҳар қандай даражадаги давлат тузилмаси ва хусусий секторни ташкил этиш ўртасидаги шартнома ҳисобланади. Ушбу келишув орқали ҳар бир секторнинг ресурслари, активлари ва хизматларини ёки жамоат фойдаланиш объектларини яратиш мақсадида бир-бирини тўлдиради. Ресурсларни алмашиб билан бир қаторда, ҳар бир томон юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий) хавф ва фойдаларни баҳам кўради (7).

Нуғузли рейтинг агентлигининг нашрларида "Standard & Poor's" рейтинг агентлиги томонидан, ДХШ – хавф ва даромадларни тақсимлаш, шунингдек ресурслар ва ваколатларни бирлаштиришга всосланган хусусий ва давлат сектори ўртасида ҳар қандай ўрта ёки узоқ муддатли битим сифатида таъсифланади.

Яна бир америкалик олим Р.Росенай (P.Rosenau) тадқиқотларига кўра, ДХШ – хусусий ва давлат секторлари муваффақиятсизликлар олдинни олиш, синергетик ижобий таъсир олиш ҳамда ҳар иккى томоннинг энг яхши фазилатларини бирлаштириш мумкин бўлган ҳамкорликнинг ҳукуқий шакли сифатида асослаган (9).

Давлат бошқаруви соҳасида голландиялик олимлар Erik Hans Klijn ва Joop Корренjan ДХШни хусусий ва давлат сектори иштирокчилари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик сифатида белгилайди, улар маҳсулот ва хиз-

матларни биргаликда ишлаб чиқишига имкон беради, шунингдек, ушбу маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ ҳатарлар, харажатлар ва ресурсларни тақсимлашди. Европалик тадқиқотчилар С.Линдер (S.Linder) ва Э.Савас (E.Savas) давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг мақсадини аниқлаш бўйича бошқа нуқтан назарга риоя қилишади. Шундай қилиб, уларнинг фикрига кўра, ДХШ атамаси хусусийлаштириш ва хусусий корхоналарни давлат корхоналари ҳисобидан давлат молларини бериш жараёнига жалб қилиш истаги бўлган ҳақиқий мақсадларни яшириш учун тан олинган тилдир. Бундан ташқари, ҳамкорликни сиёсий рамз сифатида ва сиёсий восита сифатида тавсифлаш мумкин: бу бошқарув ислоҳоти, яъни, давлат функцияларини амалга ошириш усулини ўзгартирадиган инновацион восита(10).

Россия тадқиқотчилари орасида "давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги" тушунчаси мавжуд. Бизнинг фикримизча, бу концепциянинг мазмуни А.Белицкая томонидан батафсил тарэда очиб берилган. Унинг фикрига кўра, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги – давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита давлат манфаатлари ва назорати соҳасидаги объектларга нисбатан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, мухим давлат ва жамоат вҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни самарали амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган ҳамкорлар ўртасидаги хавфларни тақсимлашни назарда тутади (3).

Таҳлил ва натижалар. ДХШ механизмларини тақомиллаштириш бўйича олиб борилган қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда жаҳон амалиётида ДХШнинг аниқ бир таърифи бўйича ягона тўхтамга келинмаган.

Кенг маънода айтганда, ДХШ одатда давлат ва хусусий секторнинг ўрта ва узоқ муддатли келишуви бўлиб, унга кўра, ижтимоий секторга тегишли, давлат секторининг зиммасида бўлган айrim хизматлар айнан аниқ инфратузилмаси ёки хизматлари билан хусусий сектор томонидан таъминланади. ДХШга қонда бўйича давлат буюртмалари бўлган сервис шартномалари ёки қурилиш-пудрат шартномалари ҳамда ижтимоий секторнинг роли чекланган хусусийлаштириш жараёнлари киритилмайди(12). Шунингдек, "ДХШ атамаси ҳамжамият доирасида ҳам аниқланмаган. Умумий қилиб айтганда, мазкур атама давлат ҳокимияти билан бизнес

## ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

ұртасидаги молиялаштиришни таъминлаш, қурилиш, модернизациялаш, бошқарыш ёки инфратузилмани сақлаб туриш ёки хизматтарни тақдым қилиш бүйічә үзаро коопeraçãoцияга тегишли" деб қаралади (5).

Бирлашган Миллаттар Ташкілоти томонидан аса "ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чықарылады" да тақдым қилинады. Хизматтарни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалға ошириш ва объекттарни ишлатиши мақсад қилиб құяды ва унинг асосий хусусиятлари хизматтарни хусусий секторға узоқ муддатли тақдым қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторға үтказиш, давлат ва маҳаллік түзілмалар билан қуқуқий шахсларнинг күп кирралы узоқ муддатли шартнома шаклларини амалға оширилиши билан фарқланади" деб таъриф берилади (8).

Жағон банки институти таърифига күра, "ДХШ – хусусий томон ва давлат органды ұртасидаги давлат активларини яратыш ёки хизматтарини тақдым қилиш учун узоқ муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича катта рисклар ва бошқарув учун жавобгарликни олади" (12). Осиё тараққиёт банки томонидан берилган таърифга күра, "ДХШ – атамаси инфратузилма ёки бошка хизматлари кесимида ижтимоий ва хусусий ташкілотлар үртасидаги мумкин бўлган барча муносабатлар диапазонини ифодалайди" (11).

ДХШ таърифини талқин қилишдаги фарқларга қарамасдан, белгиланган мақсадларни амалға оширишнинг ташкилий-хукуқий шакллари ва усуллари уларнинг фаолият доираси, амалий дастурлар соҳасини танлаш билан чекланади. Кўпчилик тадиқотчилар ДХШ давлат ва бизнес учун үзаро манфаатли шартларда ижтимоий ахамиятга эга вазифаларни ҳал этишга қаратилганligига ишонишади. Шу муносабат билан ДХШнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтамиш:

❖ вақт өзегаси (лойихалар одатда муайян объект ёки объектлар мажмусаси учун яратилади, у муайян вақт ичиде бажарилиши керак);

❖ қамрови бүйічә чекловлар (loyihalap жуда аниқ объектге ёки объектлар мажмусасига бириктирилган – катта уй-жой қурилиши, аэропортлар, деңгиз портлари, гидроэлектростанциялар ва бошқалар);

❖ рақобат мұхитида амалға ошириш (хар бир шартнома ёки имтиёз учун рақобат

бор).

Шундай қилиб, ДХШ – үзаро манфаатли шартларда құшма лойихаларни амалға ошириш мақсадыда давлат ва бизнес үртасидаги муносабатларнинг қонуний ва ташкилий жиһатдан расмийлаштирилган тизимиdir.

Давлат сектори ахолига инфратузилма ва ижтимоий йўналтирилган тармоқ хизматлари ҳажми ва сифатини яхшилашдан манфаатдор. Ҳусусий секторнинг асосий вазифаси муайян құшма лойихада иштирок этишдан максимал дивидендлар олиш истагида. Ҳусусий сектор ўз устуворликларини нафаат даромад олиш, балки барқарор ҳамкорлик ва истиқболга эга бўлиш учун куради. Шу билан бирга, ҳар иккиси томон ҳам лойихаларни муваффакиятли амалға оширишдан манфаатдор. Ҳар ҳолда, давлат тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий дастакларини ўзида сақлаб қолади. Тариф сиёсати, ҳавфсизликни назорат қилиш, экологик ва техник ҳавфсизликни назорат қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш – асосий назорат дастаклари жумласидандир. Иқтисодиётнинг хусусий сектори томонидан ДХШ иштирокчилари давлат асосчиси бўлмаган тижорат ва нотижорат ташкилотлари томонидан тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

ДХШ муайян инфратузилмавий лойихалари амалға ошириш учун давлат ва хусусий секторлар үртасида ресурсларни бирлаштириш ва рискларни тақсимлаштырғанда самарали механизми ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурслар синергиясини таъминлаш орқали самарадорлигини ошириш, шунингдек, товар ва хизматлар ишлаб чыкариш кўламини кенгайтириш ДХШ тизимининг асосини ва мақсадини ташкил этади. ДХШ лойихалари иқтисодиёт тармоқларида турли инвестициявий дастаклар орқали амалға оширилади. Ҳусусан, энг кенг тарқалган классик тури буда давлат ва хусусий шерик үртасида инвестицион битим тузиш асосида давлат шериги хусусий шерикка битимда назарда тутилган лойиханы амалға ошириш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш учун мулк объектни, мулкий қуқуқини, интеллектуал мулк объектини тоширади, ўз наебатида хусусий шерик ўз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар хисобига, шунингдек, ўз риски остида ДХШ битимида келишилган инвестицион лойиханы амалға оширади.

## ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ



1-расм. ДХШнинг ағзаллары [6]

ДХШ инвестицион лойіхасини амалга оширишнинг яна бир воситаси инвестицион мажбуриятларнинг изжара шартномасидир. Бунда изжара берувчи давлат шериги хусусий шерикка мүлкін үнгә инвестиция киритиш ва аник бир мақсадда фойдаланыш учун маълум муддатта беради. Давлат хариди конунчилігі доирасыда ҳаёт цикли шартномаларыга мувофиқ давлат әхтиёклари учун бюджет маблаглары хисобига харид обьекті ҳаёт циклининг бутун даврида товар, хизмат ва ишлар харидини амалга ошириш ДХШнинг алохода инвестициявий воситаси саналади. Шунингдек, харидлар тизими корпоратив шакли доирасыда давлат компаниялари томонидан ДХШ битимлари тузылиши орқали ҳам уларнинг ҳам инфраструктуралық лойіхаларнинг инвестициявий фаолиги ошади.

ДХШ ривожлантиришнинг инвестициявий воситалари түлік ишлаши мамлекатда соха бүйіча айрым тизимли муаммоларни ижобий ҳал этиш натижалари билан ҳам белгиланади. Хусусан:

♦ ДХШ сонасіда ягона тизимнің йүлгі күйіш. Үзбекистон Республикасыда ДХШ нисбатан янги соха булишига қарамасдан, қисқа муддатларда үзінші хос миллий тизим ва ягона сиёсат йүлгі күйілишига зоришилди. Үзбекистон Республикасининг "Давлат-хусус

ий шериклик түғрисіда"ғи Конуни[1] қабул қилиниши ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Агенттегінин ташкил этилиши бунинг ёрқын ифодасидир.

♦ Иктисолдій тараққиеттің узок муддатты стратегик режалаштириш ва давлат бюджети харажаттарини прогнозлаштириш. Үзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йұналиши бүйіча Ҳаракаттар стратегиясы қабул қилиниши ва уннан ассоциациялар тизимлаштирилген қолда олиб борылғанда, шунингде, 2019 йылдан баштап Үзбекистон Республикасыда Давлат бюджеті олдинга З йил учун мүлжаллар (ориентир) билан қабул қилинётгани ДХШ иштирокчилари учун лойиха харажатларини түгри режалаштиришта имкон яратмоқда.

♦ маълумотларнинг ошкоралығы ва ҳаққонийлігі. Бу омил бошқа инвестиациявий фаолият турларининг мұхым омилі бүлгани кабі ДХШ лойіхаларини амалга оширишда, айтиш мүмкінкі, ҳал қылуучы үрінде тұради. Чөнки, инвесторлар учун маълумотлар түлікілігі, ошкоралығы ва ҳаққонийлігі бозорни чұқур үрганишга на турли Үйкөтишларнинг олдини олишга хизмет қиласы.

Тобора тараққиеттің орталық иктисолдій мұносабатлар, шу жумладан, ДХШ

## ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Механизмлари тақомиллашиб бориши соңда ижтимоий ёки инфраструктуралық лойиҳаларни амалга ошириш билан борлық анаъзанавий йўналишлар билан инновацион лойиҳалар хам фаоллашиб бормоқда. Хусусан, ДХШ тизи-

ми орқали инновацион инфраструктуралық ривожлантириш, бизнес-инкубаторлари, технопарклари ва технополислар барро этиш янги йўналиш сифатида кўлланилмоқда (2).



2-расм. ДХШ лойиҳасининг структураси (13)

Хозирги замонавий иқтисодий ривожлантиш даврида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни тўғридан-тўғри бюджет маблағлари билан борглаш, ушбу лойиҳаларнинг манбаси сифатида факат бюджет маблағларини қараш нотўғридир. Технологик ва иқтисодий тараққиётнинг янги босқичи инновацион лойиҳа ва ишланмаларга бизнесни кентроқ жалб қўлишни тақозо этмоқда. Инновациялар бозорида ҳам чинакам рақобат муҳити шаксланиб, айтиш мумкинки, инновациялар рақобатнинг энг асосий воситасига айланиб бормоқда, яъни инновациясиз рақобат майдонида "тирик" қолиш мумкин эмаслиги тобора аён бўлмоқда. Шу билан бирга, рақобатнинг қанчалик фаол бўлишига қарамасдан, инновациялар бозорининг ҳам ўзига хосликлари борки, бу сингари инновацион лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг бевосита ёки билвосита иштироки талаб килинади. Хусусан, баъзи инновацион лойиҳалар кўп миқдорда капитал талаб қилиши ва узоқ муддатларда қопланишини иноватга олиб, бизнес уларда иштирок этишдан манфаатдорлиги паст бўлади. Бундай ҳолатларда инновацион лойиҳалар ДХШ асосланган давлат ва бизнеснинг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилиши мумкин. Ўз вақтида давлат хусусий бизнес учун инновацияларни разбатлантириш чораларини кўради(4).

Хулоса ва тадқиқлар. ДХШ механизми айниқса бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида самарали ва энг мақбул механизмлардан бири бўлиб саналади. ДХШ ўзининг бир қатор афзалликлари билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни

янада разбатлантирган холда, иқтисодиётда инвестициялар оқимини кенгайтиради, буш турган ресурсларни фаоллаштиради, давлат ва хусусий секторлар ўртасида ўзаро мувоза-натлашган манбаатдорликни тъминлайди, ва энг асосийси, жамиятдаги қатор ижтимоий ва инфраструктуралық муаммоларни бартараф этишга туртки бўлади. Бир сўз билан айтганда, ДХШ тизими самараси ўлароқ, ҳам давлат, ҳам бизнес, ҳам жамият бундан наф кўради. Шу билан бирга, ушбу тизим бошқа иқтисодий жараёнлар сингари ўзига хос хусусиятлар, қонуниятлар ва рискларга эга бўлиб, унинг муваффакиятли амалга оширилиши чуқур малака, профессионал тажриба, барқарор иқтисодий салоҳият сингари бир нечта омиллардан самарали фойдаланишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси учун ДХШ нисбатан янги соҳа хисобланишини иноватга олиб, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича куйидаги тадқиқлар илгари сурилади:

- илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва амалиётда алоунда лойиҳа устида паралел тадқиқотларни олиб бориш;
- илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш ва халқаро амалиётда йўл қўйилган камчиликларни тақоррламаслик чораларини кўриш;
- миллий иқтисодиётда ДХШ инвестицияларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;
- давлат ва хусусий бизнес ўртасида ахборотлар алмашинувини тъминлаш;
- соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга кўйинш.

# ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Мақба на алабайтлар рүйхаты:

1. "Давлат-хусусий шеруалек тұғрысіда" Ұзбекистан Республикасындағы Қонуқи - <https://lex.uz/docs/4329270>
2. Александрии Ю.Н. «Новые институты развития малого предпринимательства в инновационно-ориентированной экономике» // Экономические и гуманистические науки. 2011. №3, (230). С. 14-21.
3. Белицкая А.Н. «Правовые формы государственно-частного партнерства в России и зарубежных странах» // А.Н. Белицкая // Предпринимательское право. - 2009. - №2. - С. 21-27.
4. Воротников А.М., Королев В.А. «О развитии государственно-частного партнерства в российских регионах» // Недвижимость и инвестиции. Правовое регулирование. 2010. №2.
5. Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P.3.
6. Емельянов Ю.С., Хачатуров А.А. «Национальная хозяйственная культура и культура предпринимательства» // Проблемы теории и практики управления. 2009, № 8.
7. Norment R. «Fundamentals of Public-Private Partnerships» (ДХШ) / R. Norment // The National Council for Public-Private Partnerships. - 2007.
8. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/Организации Объединенных Наций. - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403.
9. Rosenau P. «Public-Private policy partnerships» / P. Rosenau // Cambridge, MA: MIT press, 2000.
10. Ходолдан, Н.Д. «Государственно-частное партнерство – новый тип отношений в российской экономике» // Вопросы государственного и муниципального управления. – 2009. – № 2. – С. 45-51.
11. Public-Private Partnerships Handbook. Asian Development Bank. 2006.
12. World Bank Institute / PPIAF, Public-Private Partnerships Reference Guide, Washington DC, 2012.
13. [www.review.uz](http://www.review.uz): Тажиелій-ақбород электрон порталы
14. <http://worldbank.org/public-private-partnership/overview/whatarepublic-private-partnerships>.

## КЛАСТЕРНАЯ ПОЛИТИКА: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ КЛАСТЕРИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ И ПЕРСПЕКТИВЫ УЗБЕКИСТАНА

Махкамов Уткір -

Соискатель ученой степени доктора философии (PhD)

**Аннотация.** Мақалада дүнгениң алғынан мамлекеттердің иқтисодиёттің кластерлаш бүнәлишлари на тақырыбын, Ұзбекистандың олғы боршалайтын инновацион кластер сиёсаты, инновацион риоазланияш истиқболлары, кластер өндешуениң тұрлаш арқылы иқтисодиёттің яшілшегі қартилган тәжілілар, шүнимдек узинг худудларни риоазлантиришдегі роля мүхакама қылышын.

**Ассоции тұшунчалықтар:** Кластер сиёсаты, кластерлаш, инвестицияларни жаоб этиш, кластер услуги, иқтисодий ғысш, құфудларни риоазлантириш.

**Аннотация.** В статье рассмотрены направления и опыт кластеризации экономики некоторых стран мира, инновационная кластерная политика, которая ведется в Узбекистане, перспективы инновационного развития, предложения по обновлению экономики путем применения кластерного подхода, а также его роли в развитии регионов.

**Ключевые слова.** Кластерная политика, кластеризация, привлечение инвестиций, кластерный метод, экономический рост, развитие регионов.

**Abstract.** The article discusses the directions and experience of clustering the economy of some countries of the world, the innovative cluster policy that is being pursued in Uzbekistan, the prospects for innovative development, proposals for updating the economy through the application of the cluster approach, as well as its role in the development of regions.

**Keywords.** Cluster policy, clustering, investment attraction, cluster method, economic growth, regional development.

**Кластеризация – новый феномен экономического развития.**

Важнейшим условием успешного и устойчивого развития в современной глобальной экономике является способность адаптации к международной конкуренции, создания механизмов, стимулирующих поиск перспективных внешних рынков и развитие внутренних факторов повышения эффективности производства.

Ведущие позиции в мировом сообществе могут занять страны, идущие по пути инновационного развития, которая эффективно

влияет на рост и либерализацию экономики, углубление структурных реформ, направленных на дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышению ее конкурентоспособности.

Новым экономическим феноменом, позволяющим противостоять глобальной конкуренции и должным образом соответствовать требованиям национального и регионального развития, стали кластеры. Именно кластерная модель развития является характерным признаком современной инновационной